

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!



YOSHILAR OVOZI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!



№ 69 (16374)

1-SENTABR, YAKSHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovoz.uz

yoshlarovoz@mail.uz

@yoshlarovoz

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли юртошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Мана шу қувончли айёмда сиз, азизларини, кўпмиладди бутун халқимизни Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Бундан йигирма саккиз йил олдин Биринчи Президентимиз, муҳтарам Ислам Абдуганиевич Каримов халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди. Утган қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз машаққатли, шу билан бирга, шарафли истиқлол йўлини босиб ўтди.

Бугун бир ҳақиқатни катта ғурур ва ифтихор билан айтишга тўла асосимиз бор: мард ва матонатли халқимиз қанчалик қийин ва оғир синовларга дуч келмасин, ўзининг мустақам иродасини намойиш этти, ўзи таянч бўлган мустақиллик йўлига доимо содиқ бўлиб келмоқда.

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуни устуворлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда. Бу борада Харақатлар стратегиясида белгилаб берилган "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган устувор ғоя биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий юксалиш деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунамиз.

Давлатимиз, эл-юртимизнинг салоҳияти ва куч-қудратига таяниб, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиб, биз ўз олдимизга қўйган ана шундай мақсадлар сари изчил қадам қўймоқдамиз.

Хурматли анжуман қатнашчилари!

Биз бугун қандай ислохотларни, қандай ўзгаришларни, қандай янги лойиҳаларни амалга ошираётган бўлмайлик, уларнинг барча-барчаси ягона, улуг бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, мана шу меҳнат-каш, заҳматқаш, олижаноб халқимизни рози қилиш, ҳаётнинг барча синовларини матонат билан енгиб яшаётган ватандошларимизнинг ишончини оқлаш, оғирини енгиб қилишдан иборатдир.

Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, бундай улуг мақсадларга ўз-ўзидан, қур-қу ва баландпарвоз гаплар билан эришиб бўлмайди. Бундай марраларга фақат тинимсиз, оғир ва фидокорона меҳнат билан эришилади.

Шу мақсадда сўнгги йилларда давлат ва жамият бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг муқофода қудратини мустаҳкамлаш, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича катта

ишлар амалга оширилмоқда. Хусусий мулк ва тадбиркорлик учун кенг шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Макроиктисодий барқарорлик таъминланмоқда.

Қишлоқ ҳўжалигида туб ислохотлар олиб борилмоқда. Бу йилги табиат қийинчиликларига қарамасдан, миришкор фермер ва деҳқонларимиз мардона меҳнат қилиб, қўллаб соҳаларда мўл ҳосил етиштиришди.

Фуратдан фойдаланиб, барча деҳқон ва фермерлар, дала меҳнатқашларини халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида эришаётган катта ютуқлари билан самимий табриклашни ўз бурчим, деб биламан. Азиз дўстлар!


Юртимизда ижтимоий ривожланиш бўйича ўзига ҳос тизим шаклланимоқда. Бу борада "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Ёшлар — келажакимиз", "Беш ижобий ташаббус" каби дастурларимиз аҳолини янги-янги фикрлаш ва ишлашга сафарбар этишда муҳим роль ўйнамоқда. Бунинг натижасида юзлаб туман, шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий қиёфаси тубдан янгилашмоқда.

Илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида бўлаётган катта ўзгаришлар ҳам сизларга яхши маълум.

Давоми 2-саҳифада.

Мард ва олижаноб халқимизнинг боқий байрами

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди



2-саҳифага қаранг.

Ёшлар академияси ташкил этилади

Бугунги кунда юртимизда илмий ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтидорли ёшларнинг турли халқаро фан олимпиадалари, мусобақа ва танловларда қўлга киритаётган ютуқлари мазкур амалий ишларнинг натижасидир. Республикада бундай ўғил-қизларнинг сафини кенгайтириш, ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, инновацион ғоя, лойиҳа ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтидорли талабалар, ёш олимлар ва тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини қучайтириш учун зарур шароитлар яратилапти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августдаги "Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги саяё-ҳаракатларни янги ривожланиш босқичига олиб чиқиши шубҳасиз.

Қарорда таъкидланганидек, юртимизда ёш иқтидор соҳибларини инновацион тадбиркорлик соҳасига тизимли жалб қилиш ишлари қўламли кун сайин кенгаймоқда. Инновациялар иқтисодий ўсиш, маҳсулот ва хизматлар рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омилга айланиб бораётган асримизда иқтидорли ёшларнинг ишбилармонлар ва етакчи олимлар билан ҳамкорликда иш юритиши учун ягона тизим яратиш, илм-фан соҳасида ёш кадрлар етиштириш тизимининг узвийлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш соҳасига юқори технологияларни татбиқ этиш, илмий тадқиқотларга ёшларни жалб этиш ҳамда илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун платформалар яратиш талаб этилмоқда. Мазкур масалаларга ечим топиш ва тизимдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академияси ташкил этилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилаётган академия зиммасига иқтидорли ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ишларини янада жонлантириш, халқаро миқёсда мамлакат илм-фаннинг рақобатбардошлигини таъминлаш, мавжуд илмий мактаблар салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш вазибалари юқланди. Шунингдек, академияда мамлакатимиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган сунъий интеллект, қайта тикланувчи энергия манбалари, робототехника ва мехатроника, фармацевтика, биотехнология, дастурлаш, саннат дизайни, 3D моделлаш ва бошқа истиқболли йўналишларда амалий, инновацион ва стартап лойиҳалари амалга оширилади.

Давоми 2-саҳифада.

Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармонларида мунофиқ, мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртодошларимиз ва мамлакатимиз билан самарали ҳамкорлик қилиб келётган хориқликлар фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Қўсарой ҳароғида 31 август кунин ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев йилгиланларни, уларнинг тизимлида жойларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган барча юртодошларимизни муборакбод этди.

Бугун марча-барча жабҳаларда ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини юксалтириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, халқнинг турмуш даражасини ошириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий, одамлар турмушида катта ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилаётгани ва уларнинг дастабки натижалари кўзга ташланаётгани таъкидланди.

— Халқ билан ҳеч қачон бундай мулоқот бўлмаган. Одамларни эшитиб, уларнинг муаммоларига қулоқ соласак, келажакда қилганидан илгаринки режаси тўғри бўлади. Энг асосийси, халқимиз ишончи бизга куч беради, — деди Президент.

Ўзбекистоннинг халқчил, инсонпарвар сиёсатини дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда. Ташқи ва ички сиёсат кенг қўламли мулоқот ва муносабатлар асосида, уйғун ҳолда олиб борилмоқда.

— Биз учун битта битта тўғри йўл, ягона мақсад миллатимиз, халқимиз, жонажон Ўзбекистонимиз

манфаатини юқори тутишдир. Бунинг учун доимо етти ўлчаб, бир марта кесадиган сиёсат олиб боришимиз керак. Олдимизда мураккаб вазифалар турибди. Халқимизга, сизлар каби мард ва ишжояли юртодошларимизга ишониб, маррани катта олдик, — деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев маросимга йилгиланларни номма-ном тилга олиб, давлат мукофотлари билан табриклади. Уларни Ватанимизнинг асл фарзандлари, виждони пок, қалби уйқок одамлар деб атади. Самарали фаолияти, ҳалол ва фидойи меҳнати, ёшларга ибрат бўлаётгани учун уларга миннатдорлик билдириб, эзгу тилакларини изҳор этди.

Президентимиз тақдирланган юртодошларимиз ва хориқлик дипломатларга мукофотларни тантанали равишда топширди.

— Шундай юксак мукофотга муносиб кўргани учун Президентимиздан миннатдорман, — деди Ўзбекистон Қарамоми, "Нуроний" жамғармаси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Ҳасан Нормуродов. — Вазифа, мартаба инсоннинг ўзига бино қўйиб, қибру ҳавога берилиши учун эмас, аксинча, эзгу амаллари билан ўзгалар қалбида яхшилик чаманзорларини яратиш учун берилган. Қайси бир раҳбар шу қондага амал қилиб иш кўрса, доимо халқнинг назарида бўлади. Бундан кейин ҳам қўлимдан келганича мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириди.

З.ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА МҲБИРИ

Муносиб тақдирланганлар



Ўқтам БАРНОЕВ,
Бухоро вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган қурувчи.

— Сўнгги йилларда юртимиз ҳудудлари кундан-кун ўзгариб, янги кўриниш касб этиб бормоқда. Бутун бошли шаҳарларимизни, туман, қишлоқ ва маҳаллаларимизни қайтадан қурапмиз. Биргина Бухоро вилоятининг ўзидаги бунёдкорлик ишларини таърифлаб ёки санаб тугатолмайсиз. Янги келажакни халқимиз ўз қўллари билан яратмоқда. Шу маънода, Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида Президентимиз фармони билан менга "Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган қурувчи" унвонининг берилиши рамзий маънога эга, деб ўйлайман.

Бугун биз вилоятимизнинг олижаноб ва фидойи эли билан шундай бир пойдевор қурапмизки, келажакда фарзандларимиз бу иморатни янада юксалтириши, юзимизни ёруғ қилишини истаймиз. Шу боис аҳоли турмуш тарзини яхшилашга, ёшларимиз илм-фан, технология ютуқларини тўлиқ ўзлаштириши учун замонавий шароитларни яратишга интиляпмиз. Жорий йилнинг 1 — 6 август кунлари Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида ўтказилган Халқаро математика мусобақасида юртимиз терма жамоаси таркибида бухоролик ўқувчилар қўлга қиритган натижада бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигини ўйласам, қалбим ғурурга тўлади.



Ғофуржон МИРЗАЕВ,
Сирдарё вилояти ҳокими, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби.

— Халқимиз тилида азалдан "Меҳнат қилган элда азиз" деган қанотли ибора мавжуд. Чунки виждонан меҳнат қилган, фидойи, эл-юртига садоқатли инсон доимо эъзоз топган. Бундай инсонлар мамлакатимизда, жумладан, Сирдарё вилоятида ҳам жуда кўп. Вилоят халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида эришилаётган улкан ютуқлар ва бунёдкорлик ишларида уларнинг ташаббускорлиги қўл келаяпти.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил вилоятимизга ташриф буюрганида Ховос туманидаги бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, энди Сирдарё вилоятини аграр ҳудуддан санати кенг ривожланган, иқтисодий бақувват диёрга айлантириш даври келди, деган мазмундаги даъваткор гапларни айтганиди. Халқимиз бундан руҳланиб, вилоятини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада тараққий эттиришга астойдил бел боғлаган.

Қамтарона меҳнатларимиз давлатимиз томонидан инобатга олиниб, мукофотга лойиқ қўрилгани мени ниҳоятда руҳлантирди. Бу орден фақат мен учун эмас, қадрдон сирдарёликлар меҳнатига берилган юксак баҳодир.

2-саҳифага қаранг.

Озодлик курашчилари ва зулм-истибдод қурбонлари ёди халқимиз қалбида мангу яшайди

Халқимиз тарихнинг адамсиз тўфон ва суронларига қарамасдан, миллий ўзлиги ва азалий қадриятларини сақлаб қолиб, бугунги дориларом замонага безавол этиб келишида унинг қон-қонига сингиб кетган орият туйғуси ва беназир жасорати муҳим аҳамият касб этади.

Бой тарихга эга Ўзбек халқи юксак маданият, буюк маънавият, бекис ёлм-фан соҳиблари бўлган, ўз даврида цивилизацияларни тебратган улуг мутафаккир ва алломалар, тенги йўқ саркардалар ворисидир.

Жумладан, ўтмишимизнинг, Қодирий бобонинг истилоҳи билан айтганда, "энг оғир ва қора қунлари"да — турли истибдод, босқин ва шафқатсиз қатагонлар даврида озодлик йўлида жон фидо қилганлар, адолатсизлик қурбони бўлганлар жасоратининг ҳам ворисидир.

Мустабид ва истилолар даврида бу заминда минглаб бегуноҳ инсонлар умри ҳазон бўлганини, қанча-қанча оналар пароканда ва хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдақлар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Халқимизнинг ана шундай фидойи ва матонатли ўғил-қизлари номларини, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод оғуру шурурида улар хотирасига эҳтиром туйғусини юксалтириш мақсадида 2001 йилдан буён 31 август санаси мамлакатимизда Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини сифатида нишонланади.

31 август. Субҳи сабоқ. Шаҳидлар хиббони. Президент Шавкат Мирзиёев "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасида ўтказилган халқимиз озодлиги ва юртимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлганларни ёд этиш маросимида иштирок этди.

Таомилга кўра ош тортиди. Қурбон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари ҳақига дуо қилинди.

Барчамизга маълумки, қурбон бўлганларнинг номларини тиклаш, хотирасини абадийлаштириш мақсадида пойтахтимизда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи ва "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи бунёд этилган.

Музей 2008 йилда қайта таъмирланиб, кенгайтирилган ва экспозиция заллари 3 тага етказилган. Ҳа янги янгиланган экспозиция 10 бўлимдан иборат бўлиб, 14 миңг 665 экспонатни ўз ичига олади. Айни пайтда мингта яқин тарихий ашё намойиш этилмоқда. Уларнинг эллика яқини ноёб экспонат ҳисобланади. Замонавий техник воситалар билан жиҳозланган музейга ҳар йили 50 миңг зиёратчи ташриф буюрмоқда. Уларнинг ақсариятини ёшлар ташкил қилади.

Давоми 2-саҳифада.

Eshitdingizmi?

Орзу қилса арзийди



Зомин туманида мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида замонавий меъморчилик андазалари асосида бунёд этилган "Ёшлар маркази" фойдаланишга топширилди. Маросимда сўз олганлар бу ерда ёшларга яратилган имкониятлар ҳақида тўхтади.

Марказда хорижий тилларни ўрганиш, компьютер саводхонлиги, шахмат, шашка, менталь арифметика, тасвирий санъат, рақс, пазандалик, тикувчилик, тўқувчилик, ҳунармандлик каби касб-ҳунар тўғрисидаги ташкил этилди.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА



Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Бошланғич 1-саҳифа.

Биз умумтаълим мактабларида 11 йиллик тизимни тикладик. Мактаб таълимнинг ривожлантириш масаласида буюк умумийлик мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда олий таълим соҳаси ҳам жадвал ривожланмоқда. Фақат кейинги уч йилда 35 та янги олий ўқув юрти ташкил қилинди ва уларнинг умумий сони 112 га етди. Буларнинг 13 таси нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Юртимизда кўплаб янги шифохоналар, тиббиёт марказлари, онколий ва хусусий клиникалар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Кейинги йилларда ҳам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонлар, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари яхшироқ ҳаёт шартларида яшаш имкониятини янада кенгайтириш зарур.

Узоқ вақт давомида ўткир муаммо бўлиб келган аҳолининг уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам юртимизда янги давр бошланди, десак, ҳато бўлмайди. Мамлакатимизнинг маданий ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Ушбу даврда янги таълим муаммо бўлиб келган аҳолининг уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам юртимизда янги давр бошланди, десак, ҳато бўлмайди. Мамлакатимизнинг маданий ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Ушбу даврда янги таълим муаммо бўлиб келган аҳолининг уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам юртимизда янги давр бошланди, десак, ҳато бўлмайди. Мамлакатимизнинг маданий ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Ушбу даврда янги таълим муаммо бўлиб келган аҳолининг уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам юртимизда янги давр бошланди, десак, ҳато бўлмайди. Мамлакатимизнинг маданий ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Ушбу даврда янги таълим муаммо бўлиб келган аҳолининг уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам юртимизда янги давр бошланди, десак, ҳато бўлмайди. Мамлакатимизнинг маданий ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Чет эларда ишлаётган ва таълим олаётган ватандошларимиз билан алоқалар мустаҳкамлашиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланмоқда. Ўзбекистонга қайтиб, иш ёки ўқиш фаолиятини давом эттириш истагинда бўлган фуқароларимиз учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Бу йил 156 нафар ватандошимиз – асосан аёллар ва болалар жанговар ҳаракатлари давом эттаётган Суриядан қайтариб олиб келинди ва уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари тикланди.

Албатта, кечиримли, меҳр-оқибатли бўлиш халққа ҳам, Худода ҳам манзур бўлади. Мана шундай эзгу фазилатлар бизнинг бағрикенг халқимизни янада улдуғлайди.

Хурматли ватандошлар! Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида ҳам фаол ва самарали фаолият олиб бормоқда. Узоқ ва яқиндаги барча давлатлар, халқаро ташкилотлар билан алоқаларимиз тобора кенгайиб, ривожланмоқда.

Авалло, Марказий Осиё давлатлари билан яхши кўшнчилик муносабатлари ўрнатилиб, ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилмоқда. Минглаб олий одамларнинг чегаралардан бемалол ўтиши, минтақамиз бўйлаб эркин ҳаракатланиши, қариндош-уруғлари билан борди-келиди қилишлари учун барча шароит яратилди.

Ўзбекистон минтақавий хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда, Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган мулоқотларда фаол иштирок этмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишда, юртимизнинг дўстлари ва ҳамкорларини кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиздаги демократик ислохотларни қўллаб-қувватлаб, хайрихоҳ бўлиб келаётган, бугунги тантанادا иштирок этаятган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиликларига, халқаро ташкилотлар вакилларига, чет элик шерикларимизга, Ўзбекистоннинг барча дўстларига самимий ҳурмат ва миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.

Муҳтарам юрдошлар! Ҳаётимизда тинчлик-тотувлик, миллатлар ва динлар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатлик мустаҳкамлашиб бормоқда. Биз буни барча ислохотларимизнинг қароқоти, энг муҳим натижаси, деб биламиз.

Бугунги кунда амалга ошираётган ислохотларимиз, халқ билан мулоқот давлат сиёсати даражасига кўтарилиши туйғайли жамаиятимизда очкилик ва эркинлик муҳити тобора кучайиб бормоқда.

Одамлар ташаббус кўрсатиб, нафақат ўз шахсий муаммоси, балки кўпчиликнинг дарду ташвишларини халқ қилиш учун давлат идоралари билан ҳамкорликда ишлашга ўрганилмоқда.

Биласизлар, мен мамлакатимиз бўйлаб жуда кўп сафарларда бўламан. Жойларда, олис туман, кишлоқ ва овулларда бўлиб, янги-янги иқтисодий-ижтимоий лойиҳаларни жорий этишга, одамлар нима билан яшаётгани, уларнинг аҳоли, кайфияти қандай эканини яқиндан билишга, уларни қийнаётган муаммоларни ечиш учун ёрдам беришга интиламан.

Мана шундай очик, самимий мулоқотлар асосида бугун халқимиз билан кўп-кўп мураккаб, муҳим масалаларни биргаликда ҳал қилмоқдамиз. Ва бу одамларимиз калбида келажакка ишонч уйғотиб, уларни янги, улкан марралар сари руҳлантиришга. Ҳеч шубҳасиз, бу – бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Шу улуг айёмда ҳар қандай оғир синов ва машаққатларда ҳам Ватанимиз мустақиллигини асраб, унинг барқарор тараққиётини таъминлаб келаётган мард ва бағрикенг халқимизга ҳалол ва фидокорона меҳнати, истиқлол гоғларига садоқати учун чуқур таълим қиламан.

Мард ва олижаноб халқимизнинг боқий байрами

Бошланғич 1-саҳифа.

Мустақиллик – халқимиз эришган энг улуг, энг буюк незмат. Ота-боболаримиз озодлик йўлида не не оғир синовларни, машаққатларни босиб ўтган, жон олиб жон берган.

1991 йил 1 сентябрда Ватанимиз ўз мустақиллигини қўлга киритишда халқимиз учун оламшумул тарихий воқеа бўлди. Мустақиллик туйғайли биз озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўйи-бабини бутун дунёга намойиш қилмоқдамиз. Халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати боис, Ўзбекистонимизнинг шон-шўҳрати олам узра ёйилмоқда. Бир сўз билан айтганда, истиқлол обод ва фаровон келажакимизни ўз қўлимиз билан бунёд этиш учун бекпеё имкониятлар эшигини очди – нимагаки эришган буюк, ҳаммаси мустақиллик шарофатидандир.

Бугун Халқимиз Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистоннинг янги тарихини яратмоқда. Ҳар жабҳада, ҳар бир ҳудудда олиб борилаётган ўзгаришлар мамлакатимизнинг халқаро сиёсий нуфузини ошириб, иқтисодиётини юксалтиришда, халқимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

Ҳар йили Мустақиллик байрами тараққиёт йўлимизнинг янги босқичига ҳамоҳанг янги-янги марралар билан нишонланади. Бу йил бу марраларнинг қўлами янада кенг. Президентимиз қарорига мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллик байрамига қизғин тайёргарлик қўрилди. Қутлуғ санага бағишлаб ўтказилган тадбирлар “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” деган бош гоғини ўзида муҷассам этгани ҳар бир юрдошимизни эзгуликка руҳлантирди. Барча шаҳар ва туманларда, кишлоқ ва овулларда энг улуг, энг азиз ушбу байрамни муносиб нишонлашга алоҳида эътибор қаратилди.

31 август. “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи. Парламент ва ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, турли соҳаларда фаолият юритаётган юрдошларимиз, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб ўтаётган байрам тантанасига йиғилган.

Саройга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кириб келди. Давлатимиз раҳбарини Мустақиллик байрами билан муборакбод этиб, эзгу нижратларини изҳор қилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат маҳфияси янград. Ингилганлар кўларини қўйсига қўйиб, мустақиллик кўшиғига жўр бўлди. Оҳанг оғушида бетакор Ватан манзаралари, истиқлол тарихи лавҳаларда гавдаланди.

Мустақил Ўзбекистонимиз яна бир ёшга улғайди. Ушбу байрамни ҳар йили катта шоду хуррамлик билан қутиб оламиз. Мамлакатимиз сиёсий ва иқтисодий модернизация йўлида катта ютуқларга эришяётгани, замонавий давлатга айланиши, халқнинг ислохотлар одамларда эртанги келажакка ишончини мустаҳкамлаётгани, эришган натижаларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан намуна сифатида кенг эътироф этилаётгани қувончимизни бир неча қарра оширади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси асосидаги “Миллий тикланишда – миллий юксалиш сари” гоғсига мувофиқ тарзда барча соҳалар янгиланмоқда, деб алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кейинги йилларда мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ислох этиш, қонуни устуворлигини таъминлаш борасидаги ўзгаришлар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар бир инсон ўз орзу-интилишларини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида Президент имзолаган “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўқатаётган, қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалши йўлга қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармони давлатимизни юритаётган гуманистик сиёсатининг амалий тасдиғи бўлди. Фармонга мувофиқ содир этган жињоти учун жазо муқддатини ўқатаётган ва қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлиб, тузалши йўлга ўтган фуқаролар афв этилди. Бу байрам кунлари қўллаб оналарга қувонч олиб кирди.

Мамлакатимизда 2019 йил Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили, деб эълон қилинди. Жорий йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш бўйича марралар қўйилган. Зеро, инвестициялар иқтисодиёт барқарорлигини оширади, янги қувватларни ишта тушириш ҳисобига етакчи соҳаларни ривожлантириш таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Муражаатномасида жорий йилдаги вазифаларнинг асосий йўналишларига тўхталиб, фаол инвестиция сиёсати изчил давом эттирилишини таъкидлади. Чунки инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш реал даромадларни ошириш, талбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмининг ўстириш, пировадидда ижтимоий муаммоларни хал қилишга кенг йўл очади.

Қўрилаган ана шундай тизимли чора-тадбирлар самараси ўлароқ, жорий йилнинг биринчи ярмида янги ички маҳсулот 5,8 фоиз ўсди. Қарийб 86 триллион сўм, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробар кўп инвестициялар ўзлаштирилди. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта инвестициянинг янги ички маҳсулотдаги улуғи 38 фоиздан ошди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, “Fitch Ratings” ва “Standart & Poors” агентликлари биринчи марта мамлакатимизнинг халқаро суверен кредит рейтингини белгилади. “Барқарор” прогнозига эга бўлган бу рейтинг баҳолари Ўзбекистон эгизлаган поғона қўлига ривожланаётган давлатларга нисбатан юқори эканини кўрсатади.

Халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, кишлоқларни обод қилиш изчил давом этмоқда. “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари энг чекка ҳудудларга ҳам янгиланиш нафасини, бунёдкорлик руҳини олиб кирди. Одамларда янада янги яшашга иштиёқ, кишлоқда турмуш маданияти ошди.

Хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президентимиз томонидан ялғари сурилан бешта муҳим ташаббус уларнинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ҳар бир туманда хотин-қизлар учун иш ўринлари ташкил этилмоқда, ёшларнинг истеъдодини юзага чиқариш ва жисмонан чинқишига шароит, маънавиятини бойитишга имконият яратилмоқда.

Бу жиҳатлар – хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳаётдан манунлиги ошириш бораётган байрам томошасида турли тилларда янграган қўшиқлар, миллий-этнографик гуруҳларнинг чиқишларида ҳам яққол намоён бўлди.

Ўзбекистоннинг очкилик, ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсати ҳамкорларимиз сафини кенгайтирмоқда. Ривожланган давлатлар, дунёга доғни кетган банк ва компаниялар биз билан ҳамкорликка интилмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги янги-янги ёндашувлари Марказий Осиёда сиёсий вази-ятни соғломлаштирди.

Энг муҳими, мустақиллик туйғайли қўлга киритилган бундай ютуқ ва натижага моҳияти ҳар бир юрдошимизнинг қалби ва онига етиб бормоқда, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтармоқда, янги, янада юксак марраларга илҳомлантирмоқда. Истиклолнинг халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида тутган бекпеё ўрнини, ҳар биримиз учун қанчалик қадри эканини яна бир қарра намоён этмоқда, энг улуг, энг азиз байрамимизга янада теран мазмун бағишламоқда.

Истиқлол йилларида бой тарихимиз ва маданий меросимиз, дину диниятимиз, қўнча урф-одат ва анъаналаримиз қайта тиклангани, конфессиялар ва миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжихатлик қабил эзгу фазилатлар миллий ва умумбашарий қадриятлар билан уйғунлашиб, ҳаётимиз қондасига айланиб бораётгани ҳар биримизга чексиз гуруру ва ифтихор баҳш этади.

Байрам тантанасида истиқлолни, озод ва ҳур Ватанин тарануми эзувчи қўй-қўшиқлар, шеърлар янгради. Болаларнинг шўх чиқишлари барчага табассум улашди. Ҳарбийларимизнинг мардонавор овози дилларга қўчди. Жаҳон муқот муносиқаси намуналари бир олам завқ бағишлади.

Янграган қўй-қўшиқлар диллардан-дилларга қўчади, олис-олисларга таралади ва акс садо беради – ҳар бир вилоят, туман, шаҳар, кишлоқ ва овул истиқлолни нишонлайди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида шукҳули байрам тантаналари, халқ савиллари давом этмоқда.

Матназар ЭММУРОДОВ, ЎЗА МУҲБИРИ

Озодлик курашчилари ва зулм-истиқбод қурбонлари ёди халқимиз қалбида мангу яшайди

Бошланғич 1-саҳифа.


Музей Германия, Россия, Озарбайжон, Қозғистон, Жазиор ва қатор бошқа мамлакатлардаги турлош муассасалар, илғий марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан аждоқларимизнинг Ватан тинчлиги ва озодлиги йўлидаги кураши бугунги кун ёшлари учун ибрат мактаби экани инобатга олиниб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олий таълим муассасалари муҳазирда Қатағон қурбонлари хотираси музейлари ташкил этилди. Бу музейлар ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маърифатпарвар ва жасоратли аждоқлар билан фахрланиш туйғусини шакллантириш, эл-юрт учун муносиб фарзанд бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳиббондаги раъий қабр ёнида нурунийлар, уламо ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

Фидойи ва ватанпарвар аждоқларимизнинг ҳаёти ва меросини ўрганиш, хотира-сини абадийлаштиришга катта эътибор

Муносиб тақдирланганлар



Назиржон САИДОВ, Ўзбекистон Журналистлари Иқодий уюшмасининг Андиқон вилояти бўлими раҳбари, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби.

— Мустақиллик, биринчи навбатда, халққа таваққур ва сўз эркинлигини беради. Шунинг учун ҳам хуррилик ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди. Инсонда фикрлаш ва сўз айтиш эҳтиёжи шу қадар

кучлики, бунинг учун у бор-будини, ҳаётини ҳам бағишлашга тайёр бўлади. Бугунги матбуотимиз, оммавий ахборот воситаларимиздаги сўз эркинлигини қўриб, истиқлол бизга нақадар юксак неъматларни инъом этганини чуқур ҳис қиламиз. Дарҳақиқат, инсонни таваққури ва сўзи улуглайди. Яхши сўз айтган, эзгу амаллар қилган киши элнинг ҳурматини қозонади.

Шундай қутлуғ кунларда қамтарона меҳнатларим юксак эътироф этилгани қалбимни шукроналик ҳисларига тўлдирди. Илоҳим, озод ва обод заманимизга, ҳурриятимизга қўз тегмасин.



Кавсар ТУРДИЕВА, Тошкент педиатрия тиббиёт институти кафедраси мудири, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган ёшлар мураббийи.

— Дорилфунду битурув малакавий ишимни “Ўзбек болалар журналистикаси тарихи”, номзодлик диссертациясини “Ўзбек болалар шеърияти” мавзусида ёқлаганман. Тақдирим қарангли, 25 йилдан ортққ фаолиятим болаларни даволовчи педиатрларни тайёрлаш олий таълим муассасасида ўтмоқда. Шеър, ҳикоя, қисса ва кичик драмала-

римнинг муҳлиси — болажонлар. Бугун ота-онам, устозларим ва юртимнинг меҳрини туйиб, фаолиятим бахтли болалик билан чамбарчас боғлиқ эканидан, қамтарона меҳнатим давлатимиз томонидан юқори баҳоланганидан хурсандман. Муқофот давлатимизнинг болалар адабиётига эътибори ва эътирофидир. Болалар адабиёти бир қарашда оддий, осондек қўринади. Аммо унинг вазифаси ниҳоятда муҳим ва долзарб. Айнан болалар адабиёти ёшлар ҳаётида илк тарбиячидир. Шунинг учун ҳам бу йўналиш мураққабийи билан ажралиб туради. Президентимизнинг 5 та муҳим ташаббуси ва китобхонликни ривожлантиришга қаратилган хайрли ишлар ёш авлодни, юртимнинг порлоқ келажак, бунёдкорларини тарбиялашга йўналтирилган.

Ёшлар академияси ташкил этилади

Бошланғич 1-саҳифа.

Ёшлар академияси аъзолари учун замонавий инфратузилмага эга шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази, Илғор технологиялар маркази ва “Янубод” инновацион технопаркиннинг бино, лаборатория, акселератор ва қоворкин марказлари бепул фойдаланиш учун ажратилди.

Келгусида Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида дунёнинг етакчи мамлакатлари тажрибаси асосида барпо этилаётган “ақли шаҳар” ҳудудида академия аъзолари учун замонавий инфратузилмага эга кичик ва ихчам “Science Park” ташкил этиш режалаштирилган.

Шу ўринда савол туғилади: қимлар Ёшлар академиясида ўқиниш мумкин ва қабул тартиби қандай бўлади? Академияга ўзининг инновацион лойиҳа ва гоғларига эга иқтидорли ёшлар ва талабалар, 40 ёшга бўлган олим ва тадбиркорлардан ташкил топган жамоалар танлов асосида қабул қилинади.

Муассаса фаолияти билан боғ- Жавлон ВАФОВЕВ

Bayram shukhi

ТААССУРОТЛАРГА БОЙ ФЕСТИВАЛЬ

Айни кунларда ҳар бир кексаю ёшнинг қалбида ўзгача шукуҳ, кўзларида қувонч. Ватан меҳри, юртга садоқат, ватанпарварлик ҳислари юзларидаги илқ табассумда ҳам намойиш бўлмоқда.

Айниқса, кўчаларимизда миллатнинг фахри бўлган юрт байроғини кўлариди баланд тутиб ўтаётган химоячиларимиз ҳамда келажакимиз эгаларини кўриб, каттаю кичикнинг кўнгли шодликка тўлган. Ана шундай кунларда “Буюк аждодларга муносиб ворис бўлайлик!” шiori остидаги I ёшлар фестивали жойларда кўтаринки кайфият, байрамона руҳда ўтмоқда.

ТЕРМИЗ шаҳрида ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш мақсадида ташкил этилган фестивалда кам таъминланган оила фарзандлари ва ижтимоий химояга муҳтож ёшлар “Султон саодат”, “Кокилдор ота” тарихий маканларига саёҳат қилди. Иттифоқнинг фаол ёшлари Термиз шаҳридаги фахрий ўқитувчилар хolidан хабар олиб, уларга байрам совғаларини топширди.

— Нафақадаги фахрий ўқитувчилар хонадонига бориб, улар билан суҳбатлашиб, бир олам таассуротларга эга бўлдим, — дейди “Камалак” фаоли Фахриддин Самадов. — Устозлар панд-насихати, ўғитларига амал қилсак, асло кам бўлмаймиз. Бу каби учрашувларни тез-тез ўтказишга тенгдошларимиз билан келишиб олдик.

I ёшлар фестивали кунлари 12 номдаги 12 мингдан зиёд китоб қарвони кириб келиши сурхонлик ўғил-қизлар учун чинакам байрам тухфаси бўлди.

Фестиваль кунлари **ЖИЗЗАХ** шаҳрида барча шароитларга эга “Ёшлар инновацион маркази”нинг очилиши виллоят ёшлари учун муносиб тухфа бўлди. Марказ тadbиркорлик, китобхонлик, ахборот технологиялари, инновацион гoллари кўллаб-қувватлаш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, уларга психологик хизмат кўрсатиш ҳамда лидерлик қобилиятини шакллантириш бўйича иш олиб боради.

— Энди бўш вақтимизни мазмули ўтказадиган марказимиз бор, — дейди Иттифоқнинг виллоят кенгаши сardори Меҳрижон Шарoпова. — Ўйлайманки, “Ёшлар инновацион маркази” киска фураетда барча ёшларнинг сеvimли масканига айланади.

НАВОИЙ виллоятда I ёшлар фестивали “Ёшлар хиббони”нинг очилиш маросими билан бошланди. Ёшлар иттифоқи виллоят кенгаши ҳузурдаги талабалар театр жамоаси иштирокида “Юрт қадр” номли сахна асарини намойиш этилди. “Уч авлод учрашуви” шiori остида устоз ва шогирдлар дийдорлашди.

— Президентимиз яқинда халқ таълими тизимини ривожлантиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида “Хурматли муаллимларимиз, жонқуяр мактаб директорларини, соҳа фахрийларини эл-юртимизнинг таянчи ва суяنجчи деб биламиз”, дея таъкидлагани биз, устозларни жуда руҳлантирди. Бу устозларни янада кўпроқ изланишга, ёшларни камол топтиришга ҳормай-толмай меҳнат қилишга ундайди, — дейди Лoбар Сафарoва.

Фестиваль доирасида “Ватан химояси — юксак масъулият” мавзусида ҳарбийлар ва ёшлар, иктидорли ёшларни

кўллаб-қувватлаш, келажакдаги эзгу мақсад ва ниятлари билан ўртоқлашиш мақсадида “Ҳоким ва ёшлар” учрашувлари ўтказилди. Виллоят ҳокими юкори натижаларга эришган, фан олимпиадаларида голибликни кўлга киритган ёшлар ҳамда устоз-мураббийларни эътибор билан таъкидлади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикасида Президентимизнинг 5 та муҳим ташаббуси тарғиботига бағишлаб спорт мусобақалари, “Эзгулик албатта қайта-

иштирокчиларига байрамона кайфият улашди.

САМАРҚАНД виллоятда фестивал ёшларга ўзгача руҳ бахш этиди. Каттакўрғон туманида “Ёшлар кутубхонаси” фойдаланишга топширилди. Пайарик, Пастдарғом ва Жомбой туманларида “Мустиқликка менинг тухфам” шiori остида “Ёшлар кутубхонаси” руқни остида чоғ этилган китоблар тақдими бўлиб ўтди. Кўшрабoт ва Нурoбoд туманида



гузарлари” фойдаланишга топширилди. Уларда 46 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Китоб туманида эса “Китоблар олами”нинг очилиши ёшларни бениҳоя руҳлантирди. Шаҳрисабз ва Қарши туманларида 40 та ёш оилага янги хонадонларнинг қалити топширилди. Виллоятдаги барча умумтаълим мактаблари, олий таълим муассасаларига 13 мингдан ортик китоблар жамланмаси топширилди. Абдулла Орипов номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатида “Муносиб издошлар” мавзусида икки авлод вакиллари учрашди.

НАМАНГАН виллоятда ҳам байрам зўр кайфият билан ўтказилди. “Ёшлар маркази”да ўғил-қизларнинг ахборот ва коммуникация ҳамда робототехника соҳасига кизиқиларини кўллаб-қувватлашга қаратилган “Робототехниклар”, иктидорли ўқувчи-ёшлар ўртасида ментал арифметика бўйича “Математика фани билимдони” танлови бўлиб ўтди. 100 нафар имконияти чекланган ёшлар адиллар хиббони ва Исҳоқхон Ибрат мажмуасига саёҳатга олиб борилди. Наманган шаҳридаги “Баркамол авлод” спорт мажмуасида 5 та муҳим ташаббус доирасида спорт мусобақалари ташкил этилди.

Наманган шаҳридаги “Афсоналар водийси” боғида “Буюк аждодларга муносиб ворис бўлайлик” шiori остида ўтказилган ёшлар гала концерти фестивалга яқун ясади.

Мухбирларимиз



ди” шiori остида кон топшириш хайрия акцияси, олий таълим муассасалари талабаларининг “Талабалар театр студиялари” спектакллари, “Мард ўғлон” мавзусида оммавий тadbирлар ўтказилди. Айниқса, “Уч авлод учрашуви” шiori остида фахрий ўқитувчилар билан учрашув, Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Ибройим Юсупов ҳамда ёзувчи Тўлепберген Қайипбергенов издошлари билан ижодий мулоқот, “Ёш тadbиркорлар махсулотлари кўргазмаси”, тарихий фильмлар намойиши фестиваль

“Мард ўғлон” мавзусида “Ватан химояси — юксак масъулият” тушунчасини тарғиб қиладиган оммавий тadbирлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари уюштирилди. Ёшлар иттифоқи виллоят кенгаши, ёшлар тadbиркорлигини кўллаб-қувватлаш маркази, “Ёшлар — келажакимиз” жамғармаси Самарқанд шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ёш тadbиркорларнинг махсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

ҚАШҚАДАРЁ виллоятининг Муборак ва Миришқор туманида “Ёшлар меҳнат

Mustaqillik mening taqdirimda



Институтда “кино-телевидение ва радио” йўналишида Маҳхам Мухаммедовнинг кўлида таҳсил олдим. Ёлқин Тўйчиевнинг сценарийнавислик курсида махоратимни оширдим. Ўқиб давомийда ижтимоий химояга муҳтож ёшлар ҳаётини акс эттирган “Бизни тушунишмайди” ҳамда ёш оила ҳақидаги “Дилемма” номли киска метражи фильмларни суратта олдим. Диплом ишим учун эса “Чой” фильмини яратдим.

Халқаро фестивалларда катнашдим. Совринли

Канн — илк қадам бўлди

1992 йили Сурхондарёнинг Шўрчи туманида туғилганман. Мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ тadbирлар уюштириш, сахналаштиришни яхши кўрадим. Тақдир тақозоси билан касб-ҳундор коллежининг техник йўналишида ўқисам-да, кинога қизиқишим сўнмади. Уч йил институтта ўқишга киролмадим, лекин ортга чекинмадим. Натижада тўртинчи йили талабалик бахти насиб қилди.

ўринларни оляпмиз. Эшитишимча, “Ўзбеккино” миллий агентлиги институтни тугатаётган ёшлар фильм суратта олиши учун маблағ ажратипти экан. Агентлик қошида очилган кенгаш битирувчиларнинг сценарийларидаги хатоларини тузатиб, тасдиқлаб беришти. Бундан қувондим. Чунки мазкур жараён биз каби ёш режиссёрларнинг ривожланиши учун катта кўмак бўлади.

Афсуски, аксарият ёшлар қийинчиликка бардошли эмас. Муаммога дуч келса, ечим топишга қийналади. Оқибатда ўсишдан, ўрганишдан тўхтаб қолади. Ўзим ҳам кўплаб қийинчиликларга дуч келдим. Ўйлаб кўйган гoллариمنى амалга оширишга қийналдим. Кўплаб ташкилотлардан ёрдам сўрадим.

Бирок аксариятдан рад жавобини олдим. Тушунчиликка тушган пайларим бўлди, лекин ишимга муҳаббатим, меҳрим мени тўхтамасликка ундади. Инсон ўзига нима кераклиги, нима муҳимлиги, мақсади нима эканини ва унга қандай эришиш имкончилигини ўйлаши зарур. Энг аввало, ҳаракат қилиши керак. Ана шундангина кўзлаган ниятига ета олади.

Шу сабаб Канн халқаро кинофестивали доирасида ўтказилган “Entre 2 Marches” (“2 қадам оралигида”) киска метражи фильмлар фестивалида “Чой” номли фильмин билан катнашдим. Қувончларим, бу мазкур танловда катнашган ва голиб бўлган илк ўзбек фильми бўлди.


Фильмнинг гоёси кишлоғимиздаги ёлғиз

кампирнинг уйдаги дераза тоқчасида турган чойнакка кўзим тушганда, уйғонган. Устозим Ёлқин Тўйчиев сценарийни ўқиб, “невара” персонажини кўшиб берди. Диплом ишим сифатида суратта олинган фильм Тожикистон ҳамда куни кеча Уфа шаҳрида бўлиб ўтган “Серебряный Акбузат” халқаро кино фестивалида “Энг яхши киска метражи фильм” номинациясида голиб бўлди.

Муваффақиятларим кўтаринки руҳ, ижодимга катта ижобий таъсир кўрсатди. Ҳозир устозим Ёлқин Тўйчиев билан “Эврилиш” деб номланган картина устида ишлаяпмиз. Режиссёр ёрдамчиси вазифасини бажаряпман. Шунингдек, киска метражи фильм суратта олишни режалаштиряпман. Бироқ маблағ борасида муаммолар бор. Насиб этса, тез орада хал бўлади. Чунки ишимни яхши кўраман. Кино ҳаётимнинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Мақсадим ўзбек киносини жаҳонга танитиш, дунё бўйлаб ўзбек киносини мухлислари сафини кенгайтиришдан иборат. Канн халқаро фестивали бу борадаги илк қадам бўлди.

Шокир ХОЛИКОВ,

72-Канн халқаро кинофестивали голиби



Reklama o'rnida

“KAFOLAT”: “Мақсадимиз мижозларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш”

Миллий суғурта бозоридаги кучли рақобат шароитида мижозларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш “KAFOLAT” суғурта компаниясининг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Мамлакатимиз суғурта бозорида ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган компания аҳоли ва ташкилотларга кенг кўламли суғурта хизматларини тақдим этиш, хизматлар сифатини янада ошириш ҳамда кўнгилсиз ҳодисалар ўз берганда республиканинг исталган жойида ўз хизматларини тақдим этиш учун чекка ҳудудларда ҳам тармоғини кенгайтиришга катта эътибор қаратмоқда.

Ўз ўрнида компания ходимлари суғурта йўналишида етакчи бўлган мамлакатлар — Япония, Германия, Англияда малака ошириб қайтди. Қозғистон, Россия, Бирлашган Араб Амирикллари каби давлатларда ўтказилган халқаро форум, бизнес учрашувларида 100 дан ортик суғурта ташкилотлари билан алоқалар ўрнатилди.

Ўзбекистон суғурта бозорида фаолият юритаётган 30 дан ортик суғурта компанияларидан иккинчиси халқаро рейтингга эга бўлса, улардан бири — “KAFOLAT” суғурта компанияси АЖДР.

“Fitch Ratings” халқаро нуфузли рейтинг агентлиги компания рейтингини “В+”дан “ВВ –” га ошириб, унинг истикболини “Барқарор” дея баҳолади.

Рейтингларнинг тасдиқланиши компания учун янги маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, халқаро молия институтлари билан истикболли ҳамкорлик алоқалари кўламини янада кенгайтиришга имкон яратди.

2019 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида юзага келган суғурта ҳодисалари бўйича 4 минг 266 та даъво аризаси келиб тушди, амалга оширилган суғурта тўловлари ҳажми деярли 14,6 миллиард сўмни ташкил этиди.

Сўнгги йилларда компанияда ходимлар сонини оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги ташкил этилганда жойларда компаниянинг 48 та минтақавий тармоғи мавжуд эди. Бугун бўлинмалар сони 220 тага етказилди, 68 та янги иш ўрни яратилди.

Аҳоли ҳамда юридик шахсларга пасайтирувчи коэффициентларини ўзичига олган ва ҳар томоннинг манфаатларига тўлиқ мос келувчи 100 дан



ортик мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари бўйича хизматлар тақлиф этилмоқда.

Маълумки, туризм иктисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисоб-

ланади. Шу боис мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, юртимизга ташриф

буораётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туризм салоҳияти юкори бўлган Бухоро виллоятининг ўзига хос хусусиятидан бири бу ҳудудга сайёҳларнинг доимий ташриф буюриши ва суғуртавий химояга эҳтиёж мавжудлигидадир. Ҳудудда 276 та меҳмонхона ҳамда 2 миллионгача сайёҳларга хизмат кўрсатилади. Компания томонидан туристлар, меҳмонхоналарнинг жавобгарлиги, меҳмонхона бизнеси, ресторан (кафе)ларни комплекс суғурта қилиш каби суғурта турлари тақлиф этилмоқда.

Компанияда туну кун ишловчи, мурожаатларни қабул қилувчи “Call-центр” (телефон орқали мурожаатларни кўриб чиқиш ва хабардор қилиш билан шугулланувчи марказ) мавжуд бўлиб, диспетчерлик хизмати операторлари ойнага мижозларимиз ва фуқаролардан 1000 га яқин кўнги-роқларни қабул қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва

Anjuman

Мусобақага тайёргарлик авжида

Пойтахтимизда ўтказиладиган Халқаро қиличбозлик федерациясининг рапира ва шпага бўйича “Сателлит” халқаро турнири ҳамда катталар ўртасида Марказий Осиё қиличбозлик федерациясининг очик чемпионати га тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Гимнастика бўйича Республика болалар ва ўсмирлар олимпияга заҳиралари спорт-интернат мактабида ўтказилган тadbирда 5 – 10 сентябрь кунлари турнири юкори савияда ўтказиш, малакали ҳакамларни жалб қилиш, спортчиларга етарли шароитларни яратиш бериш хусусида сўз юритилди.

Қайд этилганидек, мусобақада Россия, Буюк Британия, АҚШ, Италия, Малайзия, Озарбайжон, Туркменистон каби ўндан ортик мамлакатнинг энг кучли спортчилари иштирок этади. Беллашувларда юртимиз шарафини 50 нафардан зиёд спортчи химоя қиладди.

Дилноза АТОЕВА

Коррупцияга ўрин йўқ

Пойтахтимизда Бош прокуратура ҳамда Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши масул муассадларнинг иштирокида “Ёшларда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаол дунёқараш ва мустақкам фуқаролик нуқтаи назарини шакллантириш” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Иттифоқнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширган ишлари сарҳосиб қилинди. Хусусан, ёшларда коррупцияга тоқатсизликини шакллантириш, у билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш мақсадида депутатлар ва маҳаллий ёшлар иштирокида 23 мингдан ортик тadbир ўтказилгани таъкидланди.

Ёшлар иттифоқининг талабалар тўлов-шартнома суммасининг бир қисмини тўлаб бериш бўйича пойтахти ижроси ҳам коррупцияга омилардан холи бўлиши кераклиги қайд этилди. Шаффофлиқни таъминлаш мақсадида аризаларни онлайн қайд этиш ҳамда номзодлар билан ўтказиладиган суҳбатни тасмага ёзиб олиш йўлга қўйилди. Шунингдек, Ёшлар иттифоқи тавсияси билан олий таълим муассасасига имтиҳонларни қабул қилинаётган номзодлар билан суҳбатлар ҳам ёзиб олиниши режалаштирилган.

Тез орада Ёшлар иттифоқи Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашишда ёшларнинг фаоллигини ошириш, давлат идораларида хизмат қиладиган ёш раҳбарлар ва хизматчилар ўртасида коррупцион муҳитни барвақт профилактика қилиш мақсадида “Коррупциясиз соҳа” ёшлар лабораториясини ташкил қиладди.

Абдулазиз АҲМЕДОВ



31-avgust — Qatag'on qurbonlarini yod etish kuni

“UNUTMAS MENI BOG'IM...”

Usmon Nosir juda qisqa vaqt — 25 yoshigacha — bor-yo'g'i olti-yetti yilgina ijod qildi. Shunday bo'lishiga qaramay, o'zbek she'riyatida yorqin yulduz bo'lib qoldi. Xuddi o'zining kuyidan o't chiqib, yonib ketgan qaqqus qushidek shiddat bilan yashadi va ijod qildi.

Shu qisqa muddat ichida u beshta she'rlar to'plamini — “Quyosh bilan suhbat” (1932), “Safarbar satrlar” (1933), “Traktorobod” (1934), “Yurak” (1935), “Mehrim” (1936)ni chop ettirishga ulgurdi.

U yashagan davr besaranjom, tahlilali edi. Lekin u na xavf-xatarni sezdi, na uni pisand qildi. Xuddi subh paytini g'animat bilib, sayrab qolishga shoshgan tong qushidek yonib, to'lib, shoshib kuyladi.

Usmon Nosir kamdan-kam shoirlarga nasib etadigan iste'dod sohibi edi. U haqida Erkin Vohidov shunday yozgan:

“Iste'dod shunday bir gavharki, u dengiz tubida, sadaf ichida ham gavhar; iste'dod shunday bir zilol irmoqki, uning har qatrasida daryolarning qudrati, ummonlarning teranligi bor; iste'dod shunday bir gulki, uning har bir ochilmagan g'unchasida chamanlarning bo'yi, tarovati bor.

Usmon Nosir iste'dodi ana shunday gavhar, ana shunday irmoq, ana shunday g'uncha edi”.

Usmon Nosir ijodi barq urgan 30-yillarning o'rtalarida she'r ixlosmandlari uning asarlarini orziqib kutar va o'qishga shoshardi. 1936-yilda bo'lib o'tgan yozuvchilar yig'ilishida Akmal



Ikromov “Usmon Nosir o'zbek xalqining Pushkini, o'zbek adabiyotining yorqin yulduzi” deb ta'riflagan edi.

Usmon Nosir Pushkinning “Bog'chasaroy fontani” va Lermontovning “Demon” poemalarini zo'r mahorat bilan o'zbek tiliga tarjima qildi. Bu tarjimalarda uning beqiyos she'riy

mahorati, tasavvur olamining kengligi, betakror so'z boyligi yaqqol namoyon bo'lgan. Bu tarjimalar Erkin Vohidov ta'biri bilan aytganda: “... u mushkul san'atning yorqin namunalari sifatida ko'p avlod tarjimonlari uchun mahorat maktabi bo'lib xizmat qiladi”.

1937-yilda Toshkentda Usmon Nosir ijodining o'n yilligiga bag'ishlangan kecha bo'lib o'tadi. Uyg'un shoirning ijod yo'li haqida ma'ruza qiladi. Bu anjumani Usmon Nosir she'riyati, iste'dodi e'tirofi edi. Axir 25 yoshga kirgan shoir ijodining o'n yilligini nishonlash haqiqatan ham e'tiborga loyiq hodisa.

Usmon Nosir ayozli kunlar kelgunicha ochilib qolishga shoshgan guldek yashadi va ijod qildi. Cho'lponning “Qalander ishq” she'ridagi “Halokat bo'lg'usin bilmay, qulochni katta odim-ku”, satrlari aynan o'zi va Usmon Nosir uchun aytildiganday edi...

Usmon Nosir “Bog'im” she'rida:

*Bargdek uzilib ketsam,
Unutmas meni bog'im... —*

degan edi.

Darhaqiqat, u xalqimiz bag'ridan bargdek uzildi. Bu jarohat o'rni hali-hamon bitgani yo'q. Lekin Usmon Nosir xalq xotirasida yigirma besh yoshli navqiron, o'ktam va chaqqoq yigit sifatida muhrlanib qoldi.

Akramjon DEHQONOV,
filologiya fanlari nomzodi

Tashabbus

BIRINCHI “YOSHLAR MEHMOMXONASI”



Prezidentimizning “O'zbekiston yoshlar ittifoqi faoliyatini takomillashtirishga doir kompleks chora-tadbirlar to'g'risida”gi qarori ijrosini ta'minlash maqsadida Yoshlar Ittifoqi tashabbusi bilan Xivada ilk “Yoshlar mehmonxonasi” foydalanishga topshirildi.

Asosan yosh sayyohlarga xizmat ko'rsatuvchi mehmonxonada 300 o'ringa mo'ljallangan bo'lib, barcha shart-sharoitlar yaratilgan. Mehmonxonada tennis, bilyard va fitnes zalari, kovorking markazi tashkil etilgan. Mehmonxonaning katta zalida Yoshlar ittifoqi bilan hamkorlikda sohadagi turli taqdimotlar, moliya, boshqaruv va xorijiy tajriba, yangi texnologiyalar, oila va psixologiya, sport va boshqa qiziqarli ma'lumotlarni qamrab olgan seminar-treninglar tashkil etish rejalashtirilgan. Bu yer-

da 50 ish o'rni yaratilgan bo'lib, shundan 30 o'ringa yoshlar qabul qilindi.

— Asosiy maqsadimiz yosh sayyohlarni qadimiy Xorazmning ko'hna shaharlari, tarixiy obidalari, betakror tabiati, urf-odat va an'analari bilan oshno etish, xorijiy sayyohlarni jalb qilish, ular e'tiboriga O'zbekistonning iqtisodiy-siyosiy, madaniy, turizm salohiyatini namoyish etuvchi ko'rgazmalarni taqdim qilish, — dedi mehmonxonaning ochilish marosimida so'zga chiqqan Xorazm viloyati hokimi Farhod Ermanov. — O'ylaymanki, bu xayrli tashabbus yurtimizda yoshlar turizmi va mehmondo'stlik



industriyasining o'sishiga munosib hissa qo'shadi. Kelgusida bunday mehmonxonalar barcha viloyat markazlarida barpo etilishi ko'zda tutilgan.

Muxbirmiz



1-sentabr — Mustaqillik kuni

“Turonbank” aksiyadorlik tijorat banki jamoasi xalqimizni Mustaqillik kuni bilan samimiy muborakbod etadi!

Vatanimiz ravnaqi yo'lidagi ezgu ishlaringizda omadlar tilaydi! Yurtimizni tinchlik, qalbimizni shukronalik tuyg'ulari aslo tark etmasin!

Bayramingiz qutlug' bo'lsin!



www.turonbank.uz

Xizmatlar litsenziyalangan.



Barcha yurtdoshlarimizni mustaqilligimizning 28 yilligi bilan samimiy muborakbod etamiz! Yurtimiz tinch, osmonimiz musaffo, xalqimiz omon bo'lsin!

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.


BOSH MUHARRIR
Faxriddin KARIMOV
TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehriroz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov, Hamza Abdullayev — bosh muharrir o'rinbosari (“Yoshlar ovozi”), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari (“Молодежь Узбекистана”), Javlon Vafoyev — mas'ul kotib (“Yoshlar ovozi”), Yelena Kalnina — mas'ul kotib (“Молодежь Узбекистана”)

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Navbatchi
Abdulaziz AHMEDOV
Dizayner
Xurshid ABDULLAYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (71) 150-22-74,
(71) 233-95-97,
(71) 233-79-69 (faks)



“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.
Indeksalar: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.
Buyurtma G-913
Adadi — 10782
Bosishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 00.55
O'za yakuni — 00.50